

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

60112700 – МАХСУС ПЕДАГОГИКА

(ЛОГОПЕДИЯ)

бакалавриат таълим йўналишининг

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент – 2022



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «28» _____ даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» _____ даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60112700-Махсус педагогика (логопедия)</i> таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60112700-Махсус педагогика (логопедия)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	5
1.2.1.	<i>60112700-Махсус педагогика (логопедия)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	5
1.2.2.	<i>60112700-Махсус педагогика (логопедия)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	6
1.2.3.	<i>60112700-Махсус педагогика (логопедия)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	6
1.2.4.	<i>60112700-Махсус педагогика (логопедия)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	7
2.	<i>60112700-Махсус педагогика (логопедия)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	9
2.1.	Умумий компетенциялар	9
2.2.	Касбий компетенциялар.....	14
2.3.	Фанга доир компетенциялар.....	16
	Библиографик маълумотлар.....	
	Келишув варағи.....	

60112700-Махсус педагогика (логопедия) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш миллий малака рамкаси, касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил. Кечки таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4,5 (5) йил бўлиши мумкин.

Бакалаврият ўқув дастурининг ҳажми таълим шакли (кундузги, кечки), фойдаланиладиган таълим технологияларидан қатъий назар 240 кредит бирлигини ташкил этади.

Бир ўқув йили учун бакалаврият таълим дастурининг ҳажми 60 кредитни ташкил этади.

Мазкур йўналиш доирасида ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш амалга оширилиши мумкин. Академик гуруҳ танлови асосидаги траекторияга кўра квалификация университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўшимча мутахассислик (квалификация) учун ўқув режанинг танлов фанлари таркибидан 40-60 кредит миқдоридан ўқув ташкил қилиниши назарда тутилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. *60112700-Махсус педагогика (логопедия)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *60112700-Махсус педагогика (логопедия)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- *60112700-Махсус педагогика (логопедия)* мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва уни янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи таълим ташкилотлари корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60112700-Махсус педагогика (логопедия)

- ўрта махсус ва профессионал таълимда ўқитувчи сифатида педагогик фаолият олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;
- умумий ўрта таълим мактаблари, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) махсус педагог, ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед лавозимида ўрнатилган тартибда ишлаш;
- умумий ўрта таълим мактаблари, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) касб стандартига мувофиқ ўқитувчи ва тарбиячи мақомида педагогик фаолият олиб бориш;
- Давлат мактабгача таълим ташкилоти, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти, нодавлат мактабгача таълим ташкилотида махсус педагог, соғлиқни сақлаш тизимида қарашли тиббиёт ташкилотларида ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед, дефектолог, логопед ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;
- таълим тизимида кабинет мудирлари, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;
- мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист, мутахассис ва бошқа лавозимларда ишлаш;
- Миллий малака рамакисининг 4-малака даражаси эга(ўрта профессионал таълим бошқичини тугаллаган) ўқитувчи-логопед, логопедларнинг

фаолиятини тартибга солувчи, мониторинги юритувчи, диагностик-маслаҳат ишларини амалга оширувчи ментор мақомида педагогик фаолият олиб бориш;

- инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти педагог-дефектологи, тарбиячиси, кўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти дефектологи, тарбиячиси, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудир;

- психологик-педагогик ташхис марказлари ходимлари (методистлари), имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ўқитувчи-дефектолог;

- ўқитувчи-логопед, услубчи, педагог тарбиячиси, соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт муассасаларида дефектолог, логопед, тиббий-ижтимоий муассасалари педагог-дефектологи, тарбиячиси;

- умумий ўрта таълим мактаби, профессионал таълим муассасалари, олий таълимда лаборант, кабинет мудир сифатида фаолият юритиш каби комплекс масалаларни мажмуасини қамраб олади.

- оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;

- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;

- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни.

1.2.3. 60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

• *ташкилий-педагогик бошқарув фаолият;*

• *педагогик фаолият ва таълим хизмати кўрсатиш;*

• *илмий-тадқиқот фаолияти;*

• *маънавий-маърифий фаолият;*

• *тадбиркорлик.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланадиган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор буюртмачилари иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Педагогик фаолиятида:

- **ўқув жараёнини режалаштириш:** ДТС ва ЎД ларининг мақсадларига мувофиқ ўқув режа ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўқув дастурларини мослаштириш, фанларни корреляция ва интеграция тамойилларига кўра режалаштириш, дарснинг аниқ мақсад ва натижаларига кўра дарс режасини ишлаб чиқиш, дифференциал ёндашув асосида дарс шакллари ва усулларини режалаштириш, ўқув, намоёиш ва тарқатма материаллардан фойдаланишни режалаштириш;

- **таълим самарадорлигини таъминлаш:** дарс мақсадларига кўра ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб вазифаларни белгилаш, дарс мавзусига мос намоёиш ва тарқатма материаллардан фойдаланиш, дарсда вақт тақсимотини тўғри режалаштириш, таълим жараёнида АКТдан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларига кўра дарсни ташкил этиш ва таълим беришдаги ёндашувларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг таълимий мақсадлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган ўқитиш усуллари ва ёндашувларни танлаш, ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг асосий компетенциялари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг жамоавий ва лойихавий ишларини ташкил этиш ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларидан фойдаланиш, ўқувчиларга дифференциал ёрдам бериш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш имкониятини яратиш, дарсда мотивацияга эришиш, синфда самарали мулоқотга эришиш;

- **ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алоқани тақдим этиш:** таълим натижаларини баҳолаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини диагностика қилиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини таҳлил қилиш, дарс режаси ва усулларини мослаштиришда таҳлил натижаларидан фойдаланиш, баҳолаш мезонларини билиши ва амалда қўллаш олиши, мавжуд муаммоларни аниқлай олиши ва таҳлил қилиш

- **тарбиявий фаолиятни ташкил этиш:** тарбиявий ишларнинг замонавий, интерактив шакл ва усулларини машғулот ҳамда синфдан ташқари ишларда қўллаш, тарбиявий ишларда ўқувчиларнинг жинси, ёши, маданий ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиши, таълим

муассасасининг устави ва ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўқувчилар учун аниқ одоб-ахлоқ қоидаларини ўрнатиш, ижтимоий соғлом муҳитни ярата олиш, ўқувчиларда когнитив фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик фуқаролик позицияси, меҳнатга даёқати, соғлом ва хавфсиз турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш

- **хавфсиз ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш:** Ўқувчилар орасида ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, ўқувчиларга синф ҳаётида тенг имкониятлар яратса, низоли вазиятларда оптимал ечимли қарор чиқара олиши, ўқувчилар билан индивидуал ишлар олиб бориши, замонавий оммавий ахборот воситалари дунёсида хавфсиз ишлашга ёрдам бера олиш;

- **ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий ўсиш:** мунтазам малака ошириш курсаридан ўтиш, фанга оид адабиётлар билан танишиб, янги билимларни амалиётда қўллаш, касбий фаолият юзасидан семинар ва тренингларда иштирок этиш ҳамда ташкил этиш, ўзаро дарсларда қатнашиш, дарсларни таҳлил қилиш, очиқ дарслар ўтказиш, касбий фаолиятда керакли ўзгаришларни амалга ошириш;

- **ҳамкасблар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик ўрнатиш:** ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) таълим жараёнига мактаб ҳаётига жалб қилиш, ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) ўқувчиларни ривожланиши ва таълим муҳити тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этишга жалб этиш, тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда ва ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда бошқа педагогик ходимлар ва мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва бўлимлари (Ёшлар иттифоқи) билан ҳамкорлик қилиш;

- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига

эга бўлиши керак.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

- боланинг ривожланишида қандай оғир нуқсонга эга бўлишидан қатъий назар қобилияти ва истаклари бўйича сифатли таълим олиш имкониятига эга тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қабул қилиш;

- болага ёрдам кўрсатиш, унинг ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялашга ва жамиятга муваффақиятли интеграцияланишига кўмаклашиш;

- боланинг ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялаш ва унинг ривожланиши учун зарур имкониятларни яратиш бўйича ўзининг билимларига ва ҳозирги замон махсус психологик-педагогик технологияларнинг имкониятларига ишониш;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиш.

2. 60112700-Махсус педагогика (логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврият таълим йўналишининг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

Мактабгача таълим тизими; Халқ таълими тизими, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари раҳбар ва мутахассис ходимларининг барча тоифалари учун умумий бўлган компетенциялар таркиби:

2.1.1. Коммуникатив компетенция.

2.1.2. Ахборот коммуникация технологиялари ва медиа саводхонлик компетенцияси.

2.1.3. Диагностик-маслаҳат компетенцияси.

2.1.4. Масъулият ва мослашувчанлик компетенцияси.

2.1.5. Инклюзив таълимни жорий этиш компетенцияси.

2.1.6. Ҳуқуқий компетенция.

2.1.7. Хусусий компетенциялар

2.1.1. Коммуникатив компетентлик кўрсаткичлари:

- психик ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган шахслар ва уларнинг оиласига эмпатик ва инсонпарвар муносабатда бўлиши;

- ташвиқот ишларини олиб боришни, ўқув-методик ишлар бўйича мунозара юритишни, ривожланишида нуқсони бўлган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни билиши;

- ўзгалар билан ўзаро ҳурмат асосига қурилган муносабатларни ўрната олиши;

- ўзини тутишда, бошқалар билан муносабатга киришишда, қарор қабул қилишда ва ресурсларни бошқаришда ахлоқ нормаларига риоя этиш;

- миллий қадриятларни, шахс эркинлиги ва унинг масъулияти, ижтимоий адолатни ҳимоя қила олиш;

- ҳамкасблари ва бошқа мутахассислар билан мулоқот қилишни, ривожланишида нуқсони бўлган болани ўқитиш, тарбиялаш ва реабилитация қилиш бўйича жамоанинг фаол аъзоси сифатидаги дефектолог учун зарур бўлган малакаларни эгаллаган бўлиши керак.

2.1.2. Ахборот коммуникация технологиялари ва медиа саводхонлик компетентлиги кўрсаткичлари:

- таълим муассасасини ахборотлаштириш ғояларини илгари суриш, ахборот коммуникация технологиялари маданиятини ривожлантириш ва ушбу ғояларни амалга оширувчи таълим муҳитини шакллантиришни таъминлаш;

- ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган таълим стратегияларини жорий этишга кўмаклашиш;

- таълим жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари аҳамиятини

тушуниш, улардан хавфсизликни таъминш;

- таълим мазмунига мос бўлган ахборот коммуникация технологияларини ўқитиш воситаси сифатида таълим жараёнига интеграция қилишнинг турли самарали стратегия ва ёндашувларини режалаштириш, илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш;

- мактаб бошқарувида ва фанларни ўқитиш жараёнида фаолиятни такомиллаштириш ва самарали ташкил этишда ахборот коммуникация технологиялари воситаларини жорий этилишини таъминлаш;

- таълим муассаса фаолиятини ва ўқувчилар компетенциясини баҳолашнинг самарали усуллари жорий этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- оммавий ахборот воситаларидаги медиа контентни тушуниш, медиа саводхонлик элементларини ўзида мужассам этган ҳолда уларни ўқувчиларда шакллантириш йўллари билиш;

- турли шакллар ва воситалар орқали ахборотларни таҳлил этиш, баҳолаш, қайта ишлаш ва янги маълумотларни яратиш.

2.1.3. Диагностик-маслаҳат компетенцияси кўрсаткичлари:

- касбий ривожланиш учун индивидуал режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- турли ёш босқичлари ва болалар ривожланишидаги турли хил нуқсонларни психологик-педагогик ва логопедик ташхис қилишнинг стандартлашган методларини, болаларни текширишни тўғри ташкил қилишни ва текширишдан олинган натижаларни яқка коррекцион-ривожлантирувчи дастур тузиш ҳамда болани тегишли таълим муассасасига йўналтириш мақсадида таҳлил қилишни билиши;

- коррекцион-ривожлантирувчи таъсир самаралилигини баҳолаш мақсадида динамик кузатувни амалга оширишни билиши;

- тиббий-психологик-педагогик комиссия фаолиятини ташкил этишни билиши;

- ота-оналарга болада мавжуд нуқсонларнинг хусусиятлари ва унинг ривожланиш истиқболи ҳақидаги маълумотлар беришни, уларни коррекцион-педагогик фаолият жараёнига тенг ҳуқуқли партнерлар сифатида жалб эта олиши;

- илк ёшдаги болаларни психологик-педагогик томондан эрта ташхис қилишни, улар учун яқка коррекцион-ривожлантирувчи дастурни ишлаб чиқишни билиши керак.

2.1.4. Масъулият ва мослашувчанлик компетенцияси кўрсаткичлари:

- таълим жараёнида юз бераётган турли ўзгаришларга ва янгиланиш жараёнларига тез ва осон мослаша олиш;

-таълимдаги янги ёндашув ва стратегияларни қабул қила олиш, уларни эгаллаш ва ўз касбий амалиётига жорий эта олиш;

-турли хил янги вазифалар ва масъулиятларни қабул қила олиш;

-ўзига, жамоага ва жамиятга нисбатан масъулиятли бўлиш;

-ўзига ва таълим муассаса ходимларига нисбатан юқори мақсад ва стандартларни белгилаш ва уларга эришиш.

-ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириши ва муваффақиятли таълим олишига масъулиятни ўз зиммасига олиш;

-таълим муассаса ҳаётида ота-оналар ва жамиятнинг бошқа вакилларининг самарали ва конструктив иштирокини таъминлаш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш;

-ўқувчиларнинг таълим ва тарбия жараёнини яхшилаш мақсадида жамиятнинг турли ресурсларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш;

-таълим муассасасининг турли давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва тажриба алмашиш чоратadbирларини амалга ошириш;

-ота-оналарни таълим жараёнига жалб этишнинг турли стратегияларини билиш;

-ўқувчиларнинг сифатли таълим ва тарбия олишлари учун муассаса, жамоат ташкилотлари ва ота-оналар ўртасида (брендинг) ҳамкорлик ва рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш;

-таълим жараёнининг марказига ўқувчини қўйиш ва ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш ва муваффақиятли бўлиши учун масъулиятни ўз зиммасига олиш.

2.1.5. Инклюзив таълимни жорий этиш компетентлиги кўрсаткичлари:

-имконияти чекланган ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилишга оид қонун ҳужжатларини билиш ва уларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашнинг турли стратегияларини билиши;

-имконияти чекланган ўқувчиларни таълим жараёнига жалб этишга қаратилган таadbирларни ишлаб чиқиш ва жорий эта олиш;

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда қўллаш олиши;

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда қўллаш олиши;

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун махсус таълим муассасаларида фанларни ўқитишнинг махсус методикаларини эгаллаган бўлиши;

- нутқнинг фонетико-фонематик, лексик-грамматик томонидаги, ўқиш ва ёзишдаги нуқсонларни, дудукланиш ва нутқнинг тўлиқ

ривожланмаганлигини бартараф этиш юзасидан ишларни олиб боришни билиши;

- ривожланишида оғир ва кўп нуқсонга эга бўлган болалар учун уларнинг психик ва ижтимоий ривожланишини комплекс баҳолаш асосида яқка ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни билиши;

- мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда ўйин ва интерфаол технологияларни қўллашни билиши;

- ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизими тассарруфидаги муассасаларда (илк ёшдаги болалар уйлари ва "Мурувват" уйлари) коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ташкил этиш учун шароит яратиш ва бу ишларни ташкил этишни билиши;

- инклюзив таълимни амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида коррекцион-педагогик фаолиятни амалга оширишни билиши;

- ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ҳимоя-педагогик кун тартибининг ташкил этишни, коррекцион-педагогик фаолиятни ва бошқа ишларни болаларнинг психик ва жисмоний имкониятларини эътиборга олиб соғлиғини мустаҳкамлашга қаратган ҳолда ташкил этишни билиши;

- мураккаб педагогик вазиятлар юзага келганда уларни ҳал этиш бўйича ижодий потенциалга эга бўлиши, коррекцион-педагогик жараёнларни, таълимнинг мазмуни ва методларини боланинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мослаштира олиши;

- табиий офатлар ва кутилмаган вазиятларда болалар ва ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тўғри ташкил этишни билиши керак.

2.1.6. Ҳуқуқий компетентлик кўрсаткичлари:

-қонунчилик нормаларини билиш ҳамда уларга оғишмай риоя қилиш;

-таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва методологик асосларини билиш ва касбий фаолиятда самарали фойдалана олиш;

-ўз касбий фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

-болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш ва уларга риоя қилиш;

иш юритиш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларга риоя этилишини таъминлаш;

-қонунчиликка мувофиқ иш юритишнинг олиб борилишига жавоб бериш;

-мавжуд тартибга мувофиқ олдиндан белгиланган муддатларда иш юритиш сифатини таъминлаш;

-иш юритишда шаффофлик ва оммавийлик тамойилларини қўллаш;

-таълим муассасанинг ҳисобот, шу жумладан молиявий ҳисобот масалаларига тааллуқли қонунчилик базасининг бажарилишини таъминлаш.

2.1.7. Хусусий компетенциялар. Халқ таълими тизими, ўрта махсус ва профессионал таълим ходимларининг меҳнат фаолиятига боғлиқ бўлган хусусий компетенциялар мавжуд.

Раҳбар ходимларнинг хусусий компетенциялари:

1. Бошқарув компетенцияси.
2. Молиявий-иқтисодий компетенция.

Бошқарув компетентлиги кўрсаткичлари:

- таълим олдидаги долзарб мақсадларни кўя олиш ва уларни амалга оширишнинг самарали йўллари белгилай олиш;
- таълим муассасасини ривожлантириш стратегияларини белгилай олиш;
- таълим мазмуни ва стратегияларини тушунишни намойиш қила олиш;
- турли таълим ёндашувлари, стратегиялари, технология ва методларини тушуниш ва фарқлай олиш;
- Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва баҳолаш мезонларини таълим жараёнига жорий этиш йўллари билиш ва бунинг учун тегишли шарт-шароитлар ярата олиш;
- Таълим ташкилотлари фаолияти соҳасида илғор халқаро тажрибалар асосида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш жараёнини бошқариш;
- таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларда иштирок этиш;
- таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- таълим олиш муҳитининг мотивация асосида ташкил эта олиш;
- таълим муассасасига кадрларни йшга олиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- рағбатлантириш шаклларини қўллаш олиш
- кадрлар захираларини режалаштириш, бошқариш, янги кадрларни тайёрлаш;
- кадрлар салоҳияти ва тажрибасини ошириш, уларнинг касбий билим ва малакаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- кадрларнинг касбий савиясини оширишга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мотивациясини ошириш;
- таълим сифатини ошириш мақсадида муассасанинг кадрлар, молиявий, моддий ресурсларини бошқара олиш;
- бошқарувда шаффофлик, адолатлилик, ўзаро ишонч, ҳамкорлик, қатъиятлилик сифатларини намойиш қилиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- ўқув-тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётига татбиқ этиш;
- турли ёш даврларида инсоннинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари, психик ва психофизиологик

ривожланишнинг махсус қонуниятлари ҳамда индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш воситаларидан фойдланиш қобилиятига эгаллик; ота-оналар(ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан муносабатга кириша олиш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши;

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- касбий соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишда самарали технологияларни қўллашга;

- интеллектуал фаолиятнинг таҳлил, таркиб ва бошқа методларини қўллаган ҳолда муаммони тадқиқ этишга;

- касбий вазифаларни ҳал этишда турдош соҳага доир билимларни интеграциялашга;

- турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши, мулоқоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эгаллик;

- педагогик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;

- алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан фаолиятда шахсга йўналтирилган ва индивидуал-дифференцирлашган ёндошув асосида самарали коррекцион-ривожлантирувчи дастурларни танлаш ва амалга оширишга;

- ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун касбий билимларини бошқаришга;

- тегишли бакалаврият йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.3. Фанга доир компетенциялар.

- махсус педагогика (логопедия) ва инклюзив таълимнинг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида болаларни ўқитишда узвийликни амалга ошириш воситаларини эгаллаганлик;

- логопедиянинг назарияси ва амалиётига доир замонавий билимларни эгаллаганлик;

- логопедияга доир билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш ҳамда эгалланган таянч билимларни шахсларга етказиш қобилияти;

- логопедия фанидан соҳанинг назарий асосларини пухта эгаллаган бўлиши ва ундан турдош тармоқларда самарали фойдалана олиши, жумладан коррекцион-ривожлантирувчи жараёни ташкил этиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш тамойиллари, усуллари ҳамда шаклларини ҳақидаги билимга, амалий ҳаракатларни бажариш кўникмасига ва малакасига эга бўлиши;

- нутқ нуқсони бўлган болаларга психологик-педагогик тавсифнома тузиш; психик жараёнларини ўрганиш, текшириш учун услубиятлари, дидактик материалларни танлаш, улардан амалда фойдаланиш усулларни билиш;

- нутқ нуқсони бўлган болалар нуқсонларни аниқлаштириш мақсадида ва яқка тартибдаги коррекцион-педагогик иш режасини тузиш учун комплекс психологик-педагогик текширувни ташкил этиш; текширувни мезонлар бўйича таҳлил қилиш; текширув методларнинг ишончилигини баҳолашни билиш;

- нутқ нуқсони бўлган шахсларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ коррекцион-педагогик иш усулларни танлаш;

- ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган тарбияланувчиларга таълим-тарбия бериш, уларни ижтимоий мослашуви, шунингдек ривожланишидаги нуқсонларни коррекция қилиш учун қулай шарт-шароитлар, шу жумладан инклюзив таълим муҳитини яратиш юзасидан мутахассислар ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш;

- Логопедия фанининг ривожланиши, тарихи, педагогик технологиялар, ўқитиш методлари, ўқитиш воситаларини амалиётга самарали қўллаш олиши, таълимни ДТС меъёрлари, ўқув дастурларига кўра ташкил этиши, баҳолаш мезонларини тушуниши, халқаро баҳолаш тадқиқотларини билиши ва ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини (PISA контекстлари) ривожлантириш фаолиятида замонавий таълим технологияларидан самарали фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши;

Касбий квалификациялар:

- умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар; оммавий, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ҳамда қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари; болалар “Мурувват” уйлари; “Меҳрибонлик” уйлари; ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш, ташхис маркази бўлинмаларида, соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасалар, умумтаълим давлат ва нодавлат ташкилотлари махсус педагоги, ўқитувчи-дефектологи, ўқитувчи логопед, логопед, тарбиячи; Миллий малака рамкасининг 4-малака даражаси эга (ўрта профессионал таълим босқичини тугаллаган) ўқитувчи-логопед, логопедларнинг фаолиятини тартибга солувчи, мониторинги юритувчи, диагностик-маслаҳат ишларини амалга оширувчи ментор мақомида ҳамда ўрта махсус профессионал таълими муассасалари педагоги таълим тизимида методист, илмий –тадқиқот ишларида тадқиқотчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув давлари	Хафта тақсимоти
Назарий ва амалий таълим	40-65%
<i>Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати</i>	<i>40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача</i>
Аттестация	6-15%
Таътил	8-15%
Малакавий амалиёт	6-25%
Битирув малакавий иши	2-7%

Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти:

Касб стандарти номи	Касбий фаолият тури	Касб стандартининг қайд қилиш рақами	Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси
Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Умумий ўрта таълим педагогик фаолият	P.003.1286/И-21	23.08.2021 №332 ИЧ

Маълумот: Касб стандартлари реестри. Маълумот: Касб стандартлари реестри, <http://profstandart.uz> (uz) (Standard) (29)

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат педагогика университети



Ректор

[Handwritten signature]

А.Киргизбаев

2022 йил « _____ » _____

КЕЛИШИЛГАН:

Кадрлар буюртмачиси:

ОЎМТВ ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни тadbик этиш маркази

Директор



Ш.У.Якубов

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим
маркази

Директор



Ш.Ш.Саттаров

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Жиззах давлат педагогика
университети



Ректор

[Handwritten signature]




2022 йил « _____ » _____

Кўқон давлат педагогика институти
Ректор

2022 йил « _____ » _____



60112700-Махсус педагогика (логопедия)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби мазмуни
бўйича ишчи гуруҳ

Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолар	Ишчи гуруҳ аъзолар исм ва фамилияси	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	имзо
раис	Х.Ш.Қодиров	Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори, п.ф.д.	
раис ўринбосари	Д.А.Нуркелдиева	Низомий номидаги ТДПУ Махсус педагогика ва инклюзив таълим факультети декани, п.ф.н., доцент	
аъзо	Н.З.Абидова	Логопедия кафедраси мудири, PhD, доцент	
аъзо	М.Ю.Аюпова	Логопедия кафедраси профессори, п.ф.н.	
аъзо	Ш.Д.Шокирова	Логопедия кафедраси доценти, PhD	

Ўқув ишлари бўйича проректор:



Х.Ш.Қодиров

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи




Ғ.Абдилакимов

Ўқув-меъерий хужжатларни:
такомиллаштириш бўлими бошлиғи:



Б.Дж.Сагтарова

Факультет декани:



Д.Нуркелдиева